

ЎРТА ОСИЁДА БОЗОРЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Аимбетов И.С

Доктарант. Тошкент архитектура-қурилиш университети.

Ayimbetov97@mail.ru

Аннотация: *Ўрта Осиёда савдо сотиқ иншоотларининг ривожланиши, шаклланиши ва уларнинг арк-қалъалар дарвозалари олдидаги майдонларда ва кўчаларда жойлашиши, бу даврда ҳали алоҳида қурилган маҳобатли савдо иншоотлари шаклланмаганликлари курсатиб ўтилган. Ушбу давр савдо иншоотларининг турларига кўчалар бўйлаб жойлашган савдо расталари, дўконлар ва хунармандчилик устохоналари ҳақида маълумотлар берилган.*

Аннотация: *Отмечается, что в Средней Азии по мере развития и становления торговых объектов и их расположения на площадях и улицах перед воротами арок и замков, в этот период не возводились монументальные торговые объекты. По типам торговых построек этого периода дана информация о киосках, лавках и ремесленных лавках, расположенных вдоль улиц.*

Annotation: *It is noted that in Central Asia, the development and formation of trade facilities and their location in the squares and streets in front of the gates of arches and castles, during this period, no monumental trade facilities were built. The types of trade buildings of this period are given information about the stalls, shops and handicraft shops located along the streets.*

Калит сўзлар: *чаврусук, савдо сотиқ, савдо иншоотлари, ёпиқ бозорлар, Чорсулар, расталар, тоқлар, тимлар, карвон саройлар, рас-ат-тоқ, сук, Сарба дорон, чахорсук.*

Ключевые слова: *чаврусук, торговля, торговые сооружения, крытые рынки, Чорсу, растас, такс, тимс, караван-сарай, рас-ат-так, сук, Сарба дорон, чахорсук.*

Keywords: *chavrusuk, trade, trade facilities, indoor markets, Chorsu, rastas, taks, tims, caravanserais, ras-at-tak, suk, Sarba doron, chahorsuk.*

КИРИШ: *Ўрта Осиё бозорларининг шаклланиш жуда қадимги замонлардан бошланган. Қадимги “Авесто” китобида “чаврусук” сўзи келтирилиб, у мутахассисларнинг фикрича, тўрт томонли бозор, яъни ҳозирги чорраҳа бозори ёки чорсу маъноларини англатган. Бундан эса чорсунинг дастлаб савдо иншооти эмас, балки чорраҳада жойлашган бозор бўлганлигини ва кейинчалик ушбу бозорда қурилган бинога чорсу номи ўтганлигини англаш мумкин. Чорсу сўзидаги “су” кўшимчаси эса қадимги суғдларнинг “сук” сўзидан келиб чиқиб бозор деган маънони билдирган. Ўрта аср араб муаллифлари ҳам Ўрта Осиё бозорларини “сук”, кўпликда “асвок” деб, форслар эса “бозор” деб аташган. Бошқа ёзма манбалар ва меъморий ёдгорликлар ҳам Ўрта Осиёда бозорларнинг ислом давригача шаклланганлигидан далолат беради. Жумладан, Қадимги Панжикент шаҳрида утказилган қазишмаларда*

VIII асрнинг бошида қурилган иккита бозор мажмуасининг харобалари топилган. Улардан бири айнан шаҳар чорраҳасида жойлашган бўлиб, бир нечта кичик савдо ва хунармандчилик хоналаридан тузилган. Иккинчи бозор эса шаҳар бош кўчаларидан бирига тутшиб, бу ердаги майдон атрофида жойлашган савдо дўкони ва хунармандчилик устахоналаридан шаклланган. Қадимги Панжикентда ушбу бозорлардан ташқари шаҳар кўчалари бўйлаб жойлашган расталар кўринишидаги савдо дўконлари ҳам бўлган. Хом ғиштдан қурилган бу савдо иморатлари кўпинча жамоат ва тураржой биноларига туташган бир қаватли ва бир хонали дўконларни ташкил қилган. Панжикентда икки хоналик савдо ячейкалари ҳам қурилиб, уларнинг деворлари юпка, томлари эса текис ишланган [Анарбаев А.].

X-XI асрлардан бошлаб эса Ўрта Осиёдаги бозорлар ижтимоий сиёсий шароитларнинг яхшиланиши билан шаҳарларнинг асосий савдо жамоа марказларига айлана боради. IX-X асрларда Ўрта Осиёда шаҳар маданияти, хунармандчилик ва иқтисодиёт гуллаб яшнади. Бу даврда нафақат маҳаллалар, балки шаҳарлар ҳам турли хил хунармандчилик молларини ишлаб чиқариш ва савдо марказларига айлана боради. Бу эса шаҳарларнинг худудий кенгайишига, яъни шахристон деворлари ортида жойлашган “рабод” деб аталувчи алоҳида худуд - шаҳар хунармандчилик савдо қисмининг шаклланишига сабаб бўлади. Рабодда асосан хунар аҳли, айниқса олов билан ишловчилар ва бой савдогарлар яшашган. Хунармандлар асосан ўзларининг уй-устахоналарида ишлашиб, шаҳарлардаги хунармандчилик уюшмаларига бирлашган ва гузарлар ҳамда рабод бозорларида савдо қилишган.

“Чорсу” форс-суғдча сўз бўлиб чор тўрт, сук – бозор, чорраҳаларда жойлашган усти ёпик бозор иморати маъносини беради. “Чорсу” гумбазлар билан ёпилган савдо иншооти тарзида адабиётлардан бизга XI асрдан маълум. Юқорида номи эслатилган Суғд бозорининг чорсуси ҳам XI асрга тегишлидир. Тарихчи ат-Тартусийнинг маълум қилишича, Ўрта Осиёнинг баъзи илк ўрта аср шаҳарларида чорсудан ташқари “тим” деб аталувчи савдо иншоотлари ҳам бўлган. Жумладан, шундай тимлар Бухоро, Испижоб, Уштуркат, Чоғониён, Амул, Ўш ва бошқа шаҳарларда қурилган. “Тим” сўзи дастлаб “бозордаги расталар устига қурилган том” маъносини англатиб, кейинчалик у исталган меъморий берк, яъни усти ва атрофлари ёпик савдо биносига, алоҳида қурилган бозор иншооти, ихтисослашган усти берк савдо хунармандчилик кўчаси ва усти ёпик савдо расталарига нисбатан ҳам бирдай қўлланган. Тарихчи ал-Муқаддасий “тим” сўзини ҳатто кўтара савдо ва хорижий савдогарларга мўлжалланган карвонсаройларга нисбатан ҳам ишлатган. Қисқаси, илк ўрта асрларда савдо билан боғлиқ исталган усти ёпик бино, кўча ёки иншоотнинг “тим” деб аталиши мумкин бўлган. Таъкидлаш зарурки, тим биносининг нафақат усти, балки атрофлари ҳам ёпик бўлган. Бундай савдо биноларида ёзнинг жазирама иссиғида, қишу-кузнинг совуғи, қор-ёмғирларда ҳам бемалол ҳимояланган ҳолда савдо қилиш мумкин бўлган. Ёруғлик бино томини ёпувчи гумбазлар орқали таъминланган.

Карвон-саройларнинг вужудга келиши ва қурилиш тарихи “рабод” деб аталадиган бинолар билан кўп жиҳатдан боғлиқдир. Гап шундаки, Шарқ давлатларида ислом дини ўрнатилаётган пайтда (VIII аср) исломнинг илғор аскар

отрядлари уларгача шаклланган карвон йўллари орқали ҳаракат қилиб, ўзлари фатх этган мамлакатларда фаол ҳарбий-миссионерлик фаолиятини олиб бориш мақсадида работлар қуришган. Ўшанда работлар араб аскарлари ва отлик чегарачилар учун йиғилиш бекатлари, истехком, яъни бандаргоҳ вазифасини бажарган (“работ” арабча “отларни боғлайдиган жой” маъносини билдирган).

Ўрта Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнг, X асрларга келиб, работлар аввалги ҳарбий миссионерлик моҳиятини йўқотади. Работлар кўпроқ карвон йўллари бўйлаб қурилгани учун уларнинг айримлари хонақоҳ, бошқалари карвонларнинг тўхташи учун карвон уйлари, яъни карвон-саройлар вазифасини бажара бошлайди. Бу даврга доир тарихий манбаларда “работ” сўзи “карвон-сарой” атамасининг синоними тарзида юритила бошлайди. Хуллас, шу даврдан бошлаб Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларини боғлаган карвон йўллари бўйлаб савдо-мудофаа истехкомлари ва меҳмонхоналар типигаги махсус бинолар, яъни карвон-саройлар кенг қурила бошлайди. Улар дастлаб савдо карвонларининг тўхташ жойларида, бир кунлик йўл ҳаракатидан сўнг (25-35 км)да тунаб дам олишга мўлжалланади.

X аср охирлари ва XI аср бошларидан бошлаб карвон-саройлар нафақат карвон йўлларида, балки шаҳарларда, шаҳарлар дарвозалари қошида ёки шаҳар “работ”ларида, яъни шаҳарларнинг махсус савдо-хунармандчилик қисмлари, бозорлар ва савдо иншоотлари комплексида қурила бошлайди.

Ўрта Осиёнинг иссиқ ва қуруқ иқлими шароитидаги давомли ёз фаслида ҳавонинг юқори ҳарорати ва кучли қуёш радиацияси туфайли инсоннинг соя ва салқин муҳитга бўлган эҳтиёжи ортиб боради. Бу ҳолат инсоннинг кундалик турмуш шароитида ҳам, шаҳар ижтимоий ҳаётини меъморий ташкил қилишда ҳам сезилиб туради. Ўрта Осиё иқлими билан боғлиқ ушбу қонуният ҳимоя меъморчилиги ва шаҳарсозлик ечимларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, у иссиқ иқлим шароитида бозор муҳитини соя салқинда ташкил қилиш ва шунга мос тарзда савдо иншоотларини шакллантиришни тақозо этган. Самарқанд ва Шаҳрисабзда қурилиб бизгача сақланган ўрта аср чорсулари, Бухоро ва Хивадаги тоқ ва тимлар, Самарқандда Амир Темур даврида қурилган бозор (ёпиқ савдо кўчаси), Кўҳна Ургенч, Ўш ва Ўрта Осиёнинг бошқа тарихий шаҳарларида қурилган ёпиқ бозорлар фикримизнинг далилидир. Хусусан ёпиқ савдо хунармандлар кўчасини ташкил қилган Ўш бозорининг узунлиги 800 метр бўлиб, усти ёғоч устунлар ва тўсинлар устига ташланган камишлар билан ёпилган. Айрим савдо кўчалари эса ёғоч устунлар ва харилар устига тортилган қатор буйралар ёки лой бостирмалар кўринишида бўлган[Пўлатов Х.Ш.].

Умуман ташқи меъморий ҳажмий кўриниши берк, ёпиқ тарзда қурилган бозорларга дастлаб чорсулар, сўнгра тим ва тоқлар кирган. Чорсу ва тимларнинг ташқи кўринишига тарҳда ўртада жойлашган катта гумбаз ва унинг атрофидаги майда гумбазлар хос бўлса, тимда савдо расталари бир-бирига ёндошган тарзда қатор жойлашиб, узун савдо кўчаси ёки бўйлама ўқли ёпиқ муҳитли композицияни ташкил қилади. Амир Темурнинг Самарқандда, Шоҳруҳ Мирзонинг Ҳиротда қурган ёпиқ савдо кўчалари, Бухоро, Тошкент, Ўш ва Хива шаҳарларининг бозорлари ана шундай

ёпиқ муҳитли тим кўринишида қурилган. Бу бозорларда ёзнинг иссиқ ёки кўзнинг ёгин кунлари ҳам бемалол савдо қилиш имконияти бўлган. Бозорларда чойхоналар, карвон-саройлар, хунармандларнинг устахоналари, омборлари, ҳаммомлар ва масжидлар ҳам бўлган.

XVIII асрда Хўжантда “Пайшанба бозор” деб номланган йирик савдо хунармандчилик маркази шаклланиб, ҳар ҳафтанинг пайшанба куни бу ерда катта бозор бўлган. Бозор шаҳарнинг асосий тўрт гавжум кўчалари кесишган чорраҳада жойлашган. Чорраҳа ва унга туташ кўчаларнинг айрим қисмлари ёғоч устун ва тўсинларга ўрнатилган текис томлар билан ёпилган.

Ўрта Осиё шароитида ҳажмий ёпиқ қурилган бундай бозорлардан ташқари ярим ёпиқ савдо иншоотлари-“каппон”лар, олди айвонли ва соябонли савдо дўконлари ва хунармандчилик расталари ҳам шаклланган. “Каппон”ларнинг усти ёпиқ, атрофлари эса очик бўлиб, асосан дон маҳсулотларини сотишга мўлжалланган.

Катта майдон талаб қилувчи ва шаҳар ҳудудини ифлослантирувчи моллар: мол-ҳоллар, улов, утин, ёғоч материаллари, хашак ва шу кабилар учун алоҳида бозорлар бўлиб, улар шаҳардан ташқарида шаҳар дарвозаларига туташган йўллар ва очик майдонларда жойлашган. Харидор ўзига керакли молни осон топиш учун бозорларда ҳар бир сотиладиган мол турига алоҳида жой ажратилган.

Ёз ва қулай куз пайтлари шаҳарларда савдо майдонларини кенгайтиришга зарурат туғилиб, ёпиқ ва ярим ёпиқ иншоотлардан ташқари мавсумий фаолият кўрсатувчи усти очик савдо майдонлари - “бозоргоҳ” лар ҳам ташкил қилинган[Уралов А.С.].

Шаҳар ичидаги чорраҳалар чорсулар, шахристон кўчалари, регистонлар, рабодлар ҳудуди, маҳалла ва гузарларда ҳамда шаҳар дарвозалари қошида жойлашган ташқи бозорлар шаҳар кўчалари, майдонлар ва дарвозалар орқали бирикиб кўп тармоқли бозорлар тизимини ташкил қилган. Бу тизим шаҳар режасида турли-туман савдо иншоотлари: чорсулар, тимлар, тоқлар, каппонлар, расталар, дўконлар, хунармандчилик устахоналари ва карвон-саройлардан, шунингдек, очик бозоргоҳ ва растагоҳлардан таркиб топган. Шаҳар ички ва ташқи бозорларидан ташқари ярмаркалар услубида ишловчи туманлараро ва халқаро ташқи бозорлар тизими ҳам шаклланганки, улар биргаликда Шарқ бозорлари тизимини ташкил қилган. Таъкидлаш жоизки, ўрта асрлардаги Ўрта Осиё мамлакатларига хос ушбу бозорлар ва савдо иншоотлари тизими ҳозирги кунда ҳам яшовчан ва ўзининг шарқона миллий анъаналарини йўқотмай давом эттириб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. **Анарбаев А.** Благоустройство средневекового города Средней Азии (V – начало XIII в.). –Т., 1981.
2. **Пўлатов Х.Ш.** Базары старого Ташкента. // В сб.: Пути развития архитектуры Ўзбекистана. - Т., 1983, с. 33-42.
3. **Уралов А.С.** Темур ва Темурийлар даврида бозорлар ва бозор



иншоотлари. // В сб.: тезисов Меж.науч.конф. "Амир Темур илм-фан ва маданияти хомийси". т. II.- Самарқанд, 1996, с 170-171.